

“МАКТАБ ЛАБОРАТОРИЯ” ТАЖРИБА МАЙДОНЧАСИ – ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ЛОЙИХАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Атаназар Каримович Рахимов

п.ф.д. проф.в.б Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
“Табиий фанлар ” факультети декани

Дилнавоз Бактурдиевна Саидова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Ойгул Одил қизи Расулова

Табиий фанлар факультети Биология кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “Педагогик таълим инновацион кластери” лойиҳаси доирасидаги “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончасида олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг таҳлили, анъанавий таълимга янгича ёндашувларни тадбиқ қилиш, педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим мазмунини дидактик тамойиллар асосида бойитиш, ўқув жараёнини юксак даражада ташкил этиш ва уни бошқариш, таълим-тарбия жараёнларининг узлуксиз мониторинги ва назорати ҳамда сарҳисобини амалга ошириб бориш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси, кластер, узвийлик, узлуксизлик, изчиллик, PISA, илмий-тадқиқот, дидактик тамойиллар, инновацион педагогик технологиялар.

LABORATORY SCHOOL EXPERIMENTAL SITE - IMPLEMENTATION OF AN INNOVATIVE CLUSTER PROJECT IN PEDAGOGICAL EDUCATION

Atanazar Karimovich Rakhimov

Prof. Tashkent region Chirchik State Pedagogical Institute
Dean of the Faculty of Natural Sciences

Dilnavoz Bakturdievna Saidova

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Oygun Odil kizi Rasulova

Senior Teacher, Department of Biology, Faculty of Natural Sciences

ABSTRACT

The article examines the research and analysis of the innovative experimental platform "School-Laboratory" within the framework of the project "Innovative cluster of pedagogical education", the introduction of new approaches to traditional education, the improvement of the pedagogical process, enrichment of the learning content based on didactic principles. information about its management, constant monitoring and control of educational processes and the implementation of the resume.

Keywords: innovative experimental platform "School-laboratory", cluster, membership, continuity, consistency, PISA, research, didactic principles, innovative pedagogical technologies.

КИРИШ

Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилинмоқда.

Бу вазифаларни бажариш таълим тизимида янги инновацион технологиялардан фойдалана оладиган, уларни ҳаётида қўлланмаган вазиятларда қўллаш оладиган, амалиётга тадбиқ эта оладиган юксак малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир[2].

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Ҳозирги кунда таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Келажак авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади[1].

Мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-методик адабиётлар мазмуни ва педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш бўйича амалга оширилган тизимли ислохотлар натижасида табиий фанлар, жумладан, биология фанлари тизимини ўқитишга

қаратилган таълим технологияларини қўллаш, инновацион ёндашувлар, мультимедияли таълим ресурсларини жорий этиш имкониятлари кенгайди. Шу билан бирга, ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш зарурати ҳам мавжуд[6].

Бугунги кунда бутун дунёда ёшларнинг табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: электрон-дастурий воситалар асосида ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш; виртуал лабораториялар билан ишлашни ўргатиш ва бу жараёнда ўқувчиларда табиий-илмий компетенциялар тизимини шакллантириш, биология фанлари таълими жараёнини ташкил этишда назарий ва амалий машғулотлар интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришда инновацион таълим технологияларининг ролини ошириш, ўқувчиларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш[3].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги —Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5712-сон, 2019 йил 8 октябрдаги —Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги —Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда[7].

Педагогик таълим инновацион кластери (ПТИК) – муайян ижтимоий-географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бир-бири билан ўзаро манфаатли узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технологиялар ва ишчи кучларининг

интеграциялашувини таъминловчи механизм ҳисобланади[8]. Педагогик таълим кластери минтақавий таълим тизимининг структурасига таъсир этиб, унинг таркибида бўйсунувидан қатъий назар барча турдаги таълим муассасаларини ягона мақсад атрофида бирлаштириши минтақа миқёсида педагогик таълимни ривожлантириш бўйича кўп йиллик меъёрий ҳужжатлар (дастур, йўл харитаси, концепция ва б.) қабул қилинишини тақозо этди[4].

Кластер тузилиши одатда ядро, ҳамкорлар, инфратузилма ва ўз бошқарув органларини ўз ичига олади. Шу билан бирга ҳар бир ҳудудий таълим кластери унинг таркибий тузилишининг ўзига хос хусусиятларига эга.

Қуйидагилар кластер тизимининг субъектлари сифатида иштирок этади:

Таълимни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш - бу таълим ташкилотларининг инновацион ресурсларини яратишга ва ягона таълим муҳити яратилишини таъминлайдиган интеграция ва ҳамкорлик жараёнларининг зарурий шarti ҳисобланади.

– талабалар, магистрантлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва қўшимча таълим муассасалари;

– таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишда катталарнинг қўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмирларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари;

– ҳамкорликдаги илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, илмий тадқиқот институтлари;

– педагогик ҳамжамиятлар, ташаббускор жамоалар, жамоат бирлашмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари;

– хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар.

Кластер тизими ҳар бири алоҳида фаолият олиб борадиган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айна пайтда ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорлик асосида иш юритади. Кластер тизими субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради[7].

Бугунги кунда педагогик таълим инновацион кластери модели мамлакатимиз таълим тизимига ривожланган хорижий мамлакатлардаги синовдан ўтган муваффақиятли тажрибаларни ўзлаштириш ва соҳада

инновацион муҳитни яратиш каби ҳаётий заруратлар туфайли юзага келаётгани асосланди. Педагогик таълим инновацион кластери доирасида таълим турларининг илмий, назарий, амалий, методик салоҳиятларини ягона мақсадга йўналтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ёки таълим муассасаларининг муайян йўналишдаги ишларининг самарадорлигини оширишда улардан оқилона фойдаланиш каби масалалар “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси тушунчаси остида бирлашди. Шунингдек, “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга тадбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишни назарда тутди. Тажриба-синов ишларида ўқитувчиларга педагогикага механик ёндошув ва авторитар педагогика элеменларидан воз кечиш, дарс машғулотида кўпроқ ижодий жараён сифатида қараш, ўқувчиларнинг ўз фикрларини эркин ифода этишларини рағбатлантирувчи, адабиётларда мавжуд маълумотларни таҳлил қилишга қаратилган методлардан фойдаланиш тавсия этилади.

НАТИЖА

“Мактаб лаборатория” инновацион тажриба майдончаларидан кутиладиган натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир кафедрада педагогик таълим инновацион кластери ва “Мактаб-лаборатория” тажриба инновацион майдончалари фаолияти билан боғлиқ янги лойиҳалар ва лойиҳа гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилади.
2. Истиқболли лойиҳаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади.
3. Кафедраларда барча профессор-ўқитувчилар “Мактаб-лаборатория” ишига жалб қилинади.
4. Талабалар ва магистрлар педагогик таълим инновацион кластери бўйича илмий тадқиқот ишларига рағбатлантирилади.
5. Талабаларнинг ўқитувчилик касбига бўлган мослашувчанлик даври қисқаради.
6. Мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва институт ўртасидаги ҳамкорликнинг, демакки, педагогик таълим инновацион кластери фаолиятининг самарадорлиги ошади.
7. Педагогик таълим инновацион кластерининг амалиётга татбиқи тезлашади [6].

МУҲОКАМА

Давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимида қўйилаётган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида дастлабки қадамлар қўйилди. Институт ректорининг 2019-йил 1-апрелдаги 01-255-сонли ва Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармасининг 2019-йил 2-апрелдаги 2-сонли қўшма буйруғида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар ХТБ тасарруфидаги 11-умумий ўрта таълим мактабида 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб “Педагогик таълим инновацион кластери” институтнинг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгиланиши ва уни амалиётга жорий этиш мақсадида “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси фаолиятини ривожлантириш ҳамда мактаб ўқитувчиларига ўқув-методик кўмаклашиш, ўқувчиларни PISA Халқаро дастурига тайёрлаш мақсадида биология фанларини ўқитиш бўйича “Ташаббускор талабалар” лойиҳаси фаолияти амалга оширилмоқда[9]. Чирчиқ шаҳридаги 11-мактабда раҳбар-ҳодимлари ва ўқитувчилари билан инновацион таълим кластери юзасидан амалга оширилган ишлар ва мактабдаги мавжуд муаммолар сўровномалар асосида ўрганиб чиқилди. Сўровнома натижалари ва факультет проф-ўқитувчиларининг мулоҳазалари асосида педагогик таълим кластери доирасида амалга ошириладиган ишлар белгиланиб олинди.

Тадқиқотлар ўтган 2019-2020 ўқув йили давомида ушбу умумтаълим мактабининг 7- синф ўқувчилари билан зоология фани бўйича билимларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш асосида дарс машғулотлари олиб борилди ва тажриба ҳамда назорат синфлари танлаб олинди. Тажриба гуруҳи ўқувчиларига зоология фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида дарс машғулотлари олиб борилди. Назорат синфларда эса анъанавий қабул қилинган тартибдаги дарс машғулотлари ўтказилди. Тажриба синфининг сифат кўрсаткичи иккинчи чоракнинг кириш тестида 57% ва иккинчи чоракнинг чиқиш тестида 78% га ошганлиги яъни сифат кўрсаткичи 21% га ортганлиги маълум бўлди. Пандемия бошланиши муносабати билан ўқув йили якунида тажриба синфида дарслар масофавий таълим шаклида ўтказилди. 2020-2021 ўқув йили бошидан тажриба синфи ота-оналари ва ўқувчилари таклифига биноан масофавий ўқитиш бўйича ушбу синф ўқувчилари учун “Мактаб лаборатория” гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳда “Одам ва унинг саломатлиги” фанидан барча мавзулар онлайн тарзда, инновацион ёндашувлар, мавзуларга оид слайдлар, мультимедияли таълим ресурслари, аудио ҳамда видео дарслардан фойдаланиш асосида машғулотлари олиб борилди. Тадқиқот давомида 8 синфларда


биринчи чораги якуни бўйича тажриба ва назорат синфларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқлаб олинди. “Мақтаб лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришга қўйиладиган талаблар, ундан келиб чиқадиган таълим мазмуни, ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолиятининг компетенциявий ёндашув асосида ташкил этилиши, ўқитиш методлари, воситалари, шакллариининг уйғунлиги ва уни амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ўқувчиларда илмий саводхонликнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш имконини берадиган рейтинг назорати воситалари, стандарт ва ностандарт тест топшириқлари тажрибанинг мазмуни ташкил этади[5].

Ўқувчилар билими биринчи чорак якуний натижаларига кўра қиёсланди. Бунга кўра кўрсаткичлар лойиҳа бошланишида олинган кириш тести натижаларига нисбатан 23%га, йил якунига нисбатан 2020-2021 йил биринчи чорагидаги натижалар 2% га ошганлиги аниқланди.

Ўқувчиларнинг 2020-2021 ўқув йили I чорагидаги сифат кўрсаткичлари

1-жадвал

Синфлар	Ўқувчилар сони	Сифат кўрсаткичлари	“Аъло”чи ўқувчилар сони	“Яхши” ўқийдиган ўқувчилар сони	“Ўрта” баҳода ўқийдиган ўқувчилар сони	“Қониқарсиз” баҳода ўқийдиган ўқувчилар сони
8 – “А” тажриба синф	30	80%	17	7	6	-
8 – “В” назорат синф	33	69%	5	18	10	-



ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида ташкил қилинган педагогик тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили натижасида ўқувчиларнинг биология фанларига бўлган қизиқишлари, назарий билимларини ошириш, ҳозирги замон фан ва технологиясини ўрганишга бўлган интилишларини кучайтириш, уларни ижодкорликка ундаш, назарий билимларини амалиётда қўллаш малакасини ҳосил қилиш самарадорлиги ўтган ўқув йилига нисбатан 2% га ошганлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Rakhimov, A. K., Jononova, R. N., & Egamberdieva, L. N. (2020). Methodological Support Using Innovative Teaching for the Development of Natural and Scientific Outlook of Students methodological Support Using Innovative Teaching for the Development of Natural and Scientific Outlook Of Students. *International Journal of Psychological Rehabilitation*, 24(7), 8136-8142.
2. Rakhimov, A. K., (2020). Improving the Methodology for Developing Students' Natural and Scientific Worldview ("On the Example of Teaching the Subject of OThe Doctrine of Evolution"). *International Journal of Psychological Rehabilitation*, 24(2), 1283-1296.
3. Rakhimov, O. K. (2017). Theoretical Basis for Development Ecological Worldview as a Part of Students' Natural Scientific Worldview. *Eastern European Scientific Journal*, (5). 20-24
4. Mirzayeva, N. A. (2020). Relevance and pedagogical basis development of environmental competence in student. *Science and Education*, 1(7), 565-581.
5. Рахимов А. К. (2019) Талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати Тошкент 2019 йил 4 б.
6. Ходжамкулов Умид Негматович (2019). Педагогик таълим кластери илмий-педагогик муаммо сифатида (Педагогик таълимни кластерлаштириш зарурияти). *Современное образование (Узбекистан)*, (10 (83)), 10-15.
7. У. Н. Ходжамкулов (2020) Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий назарий асослари. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 66-б
8. Rahimov, A.K. (2019) "Efficiency of the application of private methodological technologies in teaching biological sciences," *Bulletin of Gulistan State University: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 11.*
9. Рахимов, А. К., Нурметов, Х. С., & Саидова, Д. Б. (2020). Узлуксиз таълим тизимида педагогик таълим инновацион кластерининг роли. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(1), 48-53.